



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 2 июнь, № 108 (5023)

Чоршанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Суд экспертизаси тўғрисида

Қонунилик палатаси томонидан 2009 йил 18 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган

#### 1-Боб. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганда бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **давлат суд эксперти** — давлат суд экспертизаси муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти; **иш** — суд экспертизаси тайинланган фуқаролик, ҳўжалик, жиноят иши (шу жумладан, терговга қадар текширув материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш; **суд эксперти** — ҳулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс; **суд экспертининг ҳулосаси (ҳулоса)** — суд эксперти ёки суд эксперти комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжат; **суд экспертизаси** — фуқаролик, ҳўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юриштиришда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва ҳулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат; **суд-экспертлик фаолияти** — суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият.

#### 4-модда. Суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари

Қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд экспертизаси мустақиллиги, суд-эксперт текширишларининг ҳолислиги, ҳар томонламаллиги ва тўлиқлиги суд-экспертлик фаолиятининг асосий принципларидир.

#### 5-модда. Суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишда қонунийликка риоя этилиши

Суд-экспертлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

#### 6-модда. Суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши

Суд-экспертлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунларида назарда тутилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Шахсининг эркинлигини вақтинча чеклашни ёки унинг шахсий дахлсизлигини бузилишини талаб этувчи суд-эксперт текширишлари (бундан буён матнда текширишлар деб юритилади) фақат қонунда белгиланган асослар ва тартибда ўтказилади.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот (бундан буён матнда бошқа ташкилот деб юритилади) томонидан суд экспертизаси ўтказилиши муносабати билан қабул қилинган қарорлар, суд экспертизасининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига олиб келди деб ҳисоблаган шахс мазкур қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

#### 7-модда. Суд экспертизаси мустақиллиги

Суд эксперти суд экспертизасини ўтказишда суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан), тарафлардан ва ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахслардан мустақилдир.

Суд эксперти ўзининг фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимларига (бундан буён матнда махсус билимлар деб юритилади) мувофиқ ўтказилган текширишлар натижаларига асосланиб ҳулоса беради.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс), шунингдек бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тарафлардан бирор тасанининг ёки ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахсларнинг фойдасини кўзлаб ҳулоса олиш мақсадида суд экспертига таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

#### 8-модда. Текширишларнинг ҳолислиги, ҳар томонламаллиги ва тўлиқлиги

Суд эксперти текширишларни ҳолисона, қатъий илмий ва амалий асосда, тегишли ихтисослик доирасида, ҳар томонлама ва тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

Суд экспертининг ҳулосаси (ҳулоса) қилинган фикрларнинг асослигини ва ишончлигини умум эътироф этилган илмий ва амалий маълумотлар базасига мувофиқ текшириш имкониятини берадиган қоидаларга асосланиб лозим.

#### 9-модда. Текшириш объектлари

Ашёвий далиллар, текшириш учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, шунингдек суд экспертизаси ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Текширишлар тирик одамга нисбатан ҳам ўтказилади.

Текширишни ўтказиш ва ҳулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган тирик одам, мурда, ҳайвон, ўсимлик, буюм, материал ёки модданинг хусусиятларини акс эттирувчи объектлар текшириш учун намуналардир.

Суд экспертизасини ўтказишда текшириш объектлари (тирик одамдан ташқари) текширишни ўтказиш учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада шикастланиши ёки ишлатилиши мумкин. Бунда текшириш объектларининг қисман шикастланиши ёки ишлатилишига суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахсининг) ёзма руҳсати олиниши зарур, тайинланган суд экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари объектнинг шикастланишини (бузилишини) ёки ишлатилишини тақозо этувчи ҳоллар бундан мустасно.

Текшириш объектларининг суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахсининг) ёзма руҳсати билан ёхуд тайинланган суд экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шикастланганлиги ёки ишлатилганлиги давлат суд-экспертиза муассасаси, бошқа ташкилот ёки суд эксперти томонидан мазкур объектларнинг мулкдорига зарарнинг ўрни қоплаб берилишига сабаб бўлмайди.

Текшириш объектлари, агар уларнинг ўлчамлари ва ҳоссалари имкон берса, ўралган ва муҳрланган ҳолда суд экспертига топширилиши керак.

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунилик палатаси томонидан 2009 йил 18 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 67-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс суд-эксперт сифатида қабулланиши мумкин»; 2) 68-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Эксперт: экспертиза предметига оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчириша нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимоснома бериш; тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг

руҳсати билан ҳозир бўлиш ҳамда шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга экспертиза предметига оид саволлар бериш; суд муҳокамасида экспертиза предметига оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларга суднинг руҳсати билан саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни қўздан кечириш; ўз ҳулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг ҳулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у иш юриштириш тилини билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида ҳулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматида фойдаланиши; агар ишнинг юриштириш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоятлар қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт: ушбу Кодекснинг 76 ва 78-моддаларини назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тахрирда ўзини ўзи рад этиши ҳақида дарҳол арз қилиши; ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона ёзма ҳулоса бериши; суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган ҳулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақлинишини таъминлаши; иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

(Давоми 3-бетда.)

## ЮКСАК ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

Маълумки, шу йилнинг 1 июндан 8 июлга қадар пойтахтимизда анъанавий Халқаро санаот ярмаркаси ва Кооперация биржасининг дастлабки босқичи — санаот тармок ярмаркалари ўтказилади.

### Халқаро ярмарка

Кеча пойтахтимиздаги «ЎзэксМарказ» мажмуида ушбу таъдир доирасида машинасозлик, электротехника ва авиация санаотини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш мажмуи корхоналарининг санаот тармок ярмаркаси ўз ишینی бошлади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изоҳ амалга оширилаётган илмий-техник ва авиация санаотининг ривожлантиришга хизмат қилаётган Халқаро санаот ярмаркаси ва Кооперация биржасига қизиқишининг йил сайин ортиб бораётгани, ишлаб чиқарувчилар томонидан янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, улар ички ва ташқи бозорга мунтазам етказиб берилаётгани ана шундан далolatдир. Жумладан, жорий йилда машинасозлик, электротехника

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 16 апрелдаги иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастурига оид қарорига мувофиқ ташкил этилаётган кўргазмалар эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилаётган. Халқаро санаот ярмаркаси ва Кооперация биржасига қизиқишининг йил сайин ортиб бораётгани, ишлаб чиқарувчилар томонидан янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, улар ички ва ташқи бозорга мунтазам етказиб берилаётгани ана шундан далolatдир. Жумладан, жорий йилда машинасозлик, электротехника

зиёд маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. — Ҳозирги кунда Ўзбекистон автомобилсозлик соҳасида ҳам дунёда етакчи ўрин эгалламоқда, — дейди «Авесто шамс» хусусий корхонаси раҳбари Аваз Қосимов. — Бунга биргина Асакдаги «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган энгил автомобилларга нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бораётгани яққол мисол бўла олади. Биз «Ўзавтосаноат» тизимидаги корхоналар, хусусан, «GM Uzbekistan» билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ҳозирда уларда ишлаб чиқарилаётган автомобилларни 12 турдаги бутловчи қисмлар билан таъминлаялми. — Корхонамизда, асосан,

қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва юк машиналари учун аккумуляторлар ишлаб чиқарилади, — дейди «Prombat Grand» масъулиятли чекланган жамияти раҳбари Раҳматилла Иброҳимов. — Шуниси эътиборлики, анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган Халқаро санаот ярмаркаси ва Кооперация биржаси барча ишлаб чиқарувчилар қаторида бизга ҳам катта имкониятлар яратиб бермоқда. Чунки, ўтган йилги тадбирда «Тошкент трактор заводи» ва «Ўзбекқўмир» очик азиядорлик жамияти билан 86 миллион сўмлик шартнома имзоланган муваффақ бўлган эдик. Уйлайманки, жорий йилда ҳам қўллаб келишувларга эришамиз. Ярмарка ана шундай амалий ҳаракатлар билан боғлиқ, ишчан кайфиятда давом этмоқда. Тадбир доирасида, шунингдек, тақдимот маросимлари, учрашув ва семинарлар ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ НУФУЗЛИ АНЖУМАНИ

Иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган Осиё мамлакатларининг еттинчи йиллик анжумани илк бор Тошкентда ўтказилмоқда.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси хузуридаги Прогнозлаш ва макрореконструктив таҳриротлар институти томонидан Германия техника ҳамкорлик жамияти ва Осиё тарақиёт банкнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари кўмагида ташкил этилди. Анжуман глобал молиявий-иқтисодий инкироз, унинг оқибатларини барқарорлаштириш ва иқтисодий буюмдорликни қўллаб-қувватлаш мавзусидаги қўшма маърузаларга бағишланди.

Анжуманда Ўзбекистон, Хитой, Вьетнам, Камбоджа, Лаос, Мўғулистон, Қозғоғистон, Тожикистон, Германия ва Ирландия иқтисодий вазирилари ва идоралари, таҳрирот институтлари вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Қаримов ташаббуси билан 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инкирозна қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилингани, унинг мав-

жуд шароитга мослиги ва аниқ мақсадга йўналтирилгани глобал иқтисодий инкироз оқибатларини енгиб ўтишда муҳим омил бўлди. Банк секторига зарур ёрдам кўрсатиш билан бирга, иқтисодийнинг реал сектори молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, экспортга йўналтирилган корхоналарга зарур имоизлар ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технология қайта жиҳозлаш, диверсификациялаш хисобидан ҳаракатларни қисқартириш ҳамда даромадларни қўлайитириш ва бошқа бир қатор муҳим чора-тадбирлар ушбу дастурининг устувор йўналишларини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири С. Бекенов таъкидлаганидек, глобал иқтисодий инкироз даврида тараққиётнинг «Ўзбек модели» ўзини тўла оқлади. Бунда бир қатор омиллар, хусусан, банк-молия тизими мустаҳкамлигининг

ишончли захираси, оқиллона ва пухта ўйланган иқтисодий сийёсат юритилгани, иқтисодиётнинг макрореконструктив мувозанатлангани устидан қатъий назорат ўрнатилгани муҳим роль ўйнади. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши, шунингдек, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Кенг кўламли ижтимоий, инфратузилма ва транспорт коммуникацияларига оид лойиҳалар амалга оширилмоқда, бунинг хисобидан янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромадлари ортмоқда. Ўзоқ истиқболга мўлжалланган ривожланиш стратегияси Ўзбекистонга дунёдаги камсонли давлатлар қаторида ялли ички маҳсулот, санаот ишлаб чиқариши ўсишининг юкори суръатларини таъминлаш имконини берди. Инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ортмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари,

(Давоми 4-бетда.)

2010 йил 1-Барқамол авлод йилли

(Давоми 4-бетда.)





